

Лаборатория № 24

Мавзу: География таълимида телемашғулотларнинг ўрни. Географик расмлар билан ишлашга ўргатиш

Мақсад: 1. Ўқувчиларга география таълимида телемашғулотларнинг ўрнини ўргатиш.
2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги

2. Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. География таълимида телемашғулотларнинг ўрнини изоҳланг.

2. Лаборатория дафтарга ёзинг.

Телевидение. Бу таълимтарбиядаги энг янги восита. Телевизор экрани объект, ходиса, воқеаларни, айна вақтда рўй бераётган ва ўзгараётган ҳаётни кўрсатувчи кўзгудир. Бу ўқувчиларга географик ландшафт, географик воқеликнинг ичига бевосита кириб боришига ёрдам беради. Телевидение катта эмоционал таъсир кучига эга. У ўқувчиларни ўзига жалб этувчи, битмастуганмас билим манбаидир. Телевидениедан таълимтарбия ишларида билимнинг кўшимча манбаи ва ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади.

Телевидениедан мактаб ўқувчиларга мўлжалланган бир неча илмийоммабоп суҳбат, лекция, фильмлар, шунингдек оламга саёҳат, киносаяҳатчилар клуби, фан оламида каби эшиттиришлар берилади. Бу эшиттиришлар ўзининг мазмуни жихатидан география фанига тегишлидир. Бундай эшиттиришларнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг билим доираларини кенгайтириш, уларнинг турли соҳадаги қизиқишларини маълум даражада кондиришдан иборатдир.

География ўқитувчиси юқорида айтиб ўтилган эшиттиришлардан таълимтарбия процессларида фойдаланиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи ҳафталик телеэшиттириш дастурсини кўрар экан, уларнинг қайси бирини ўз ўқувчиларига тавсия этиши, бу билан бирга уларга қандай кўрсатмалар бериши кераклиги ҳақида ўйлаб кўриши зарур. Ўқувчиларда кўрган эшиттиришларидан баъзи бир саволлар туғилиши мумкин, бу саволларга ўқитувчи ҳозир жавоблик билан жавоб қайтарйшй керак.

Тошкент телестудияси ўқув кинофильмлари билан бирга ўқув дастурлари асосида махсус ўқув эшиттиришлар уюштириб туради. «Теледарслар» синфда, ўқув соатларида кўришга мўлжаллаиған.

«Теледарс» бошладдан илгари телестудияга таклиф этилган ўқитувчи мазкур дарснинг мақсади ва мазмуни, нималарга эътибор берилиши зарурлиги ҳақида ахборот беради. Кейин дарс бошланади. Уқитувчй тегишли ўқув қуроллари ва воситалардан фойдаланиб дарс ўтади.

Теледарс тугагач, мактаб ўқитувчиси ўрганилган материал юзасидан суҳбат ўтказади. Ўқувчилар эса тегишли мустақил ва амалий ишларни бажарадилар. Телевидениедан темага доир махсус эшиттириш (теледарс) берилганда ўқитувчи

ўқувчилар билан доимо контактда бўлиб туриши, ўқувчилар эса зарур ёзувчизуларни бажариб боришлари лозим.)

Мактабда телевизорнинг бўлиши, ўрганиладиган темаларга оид мунтазам равишда телеэшиттириш бериб бориши кўпгина дарсларда кинодан кенг фойдаланиш имконини беради. Демак, телевидениедан дастур асосида ўқув фанлари, жумладан географиядан темалар бўйича дарс бериш таълимтарбиявий аҳамиятга эгадир. Тасвирли қўлланмаларнинг асосий турларига тўхтаб ўтамыз.

Р а с м л а р. Расм дарсда билим манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади, шу сабабдан ўрганиладиган объект ва ходисаларни кўриб тасаввур қилишда расмларнинг аҳамияти каттадир. Расмлар жойнинг асосий хусусиятини очиқ ва равшан курсатиб беради. Расмда тасвирланган табиий географик объект ва процесслар (вулкан отилиши, табиат зонасининг ландшафти) мушоҳада қилинади. Бунда ўқитувчи бир неча саволлар бериб ўқувчилар эътиборини расмнинг асосий қисмигатортади. Расмни карта билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ва ундаги тасвирни картадан топиш ўқувчиларни расм билан картани бирга қўшиб ўрганишларига ёрдам беради. Расмда қўрилган ҳамма нарса умумлаштирилади. Бундан ташқари, расм янги билимларни ўрганишда, бу билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлашда алоҳида аҳамият касб этади. Дарсни янги материалга тегишли расмларни таҳлил қилишдан бошлаш ҳам мумкин.

Тасвирли кўрсатмалардан бири фотосуратлар бўлиб, улар ландшафтнинг аслини кўрсатади. Журнал, китоб, газеталардан тўпланган иллюстрациялар ва фотосуратларни эпидиаскоп орқали кўрсатиш ҳам мумкин.

Baholash mezonlari.

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.*
- 2.Laboratoriyani mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.*
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.*
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha*